



2019 yil "28" ноябрь № 6210

Ўзбекистон туманидаги 4р-154 "Кўкон-Яйпан-Исфара" автомобиль йўлининг 14.550 км да Даштхасан қишлоғи ҳудудида жойлашган 13-умумий ўрта таълим мактаби олдида светофор ўрнатиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2013 йил, 15 сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)нинг 5, 7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги "Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 370-сонли Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 09/19/646/3508-сон)га мувофиқ, туман ҳудудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ходисаларини олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-улов ходисаларини олдини олиш мақсадида ҳамда туман ИИБ бошлиғи А.Тошматовнинг туман ҳокимлигида 2019 йил 30 октябрь куни 1374-сон билан рўйхатдан ўтган ёзишмасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонун (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон)нинг 6, 25-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ИИБ бошлиғи А. Тошматовнинг туман ҳокимлигида 2019 йил 30 октябрь куни 1374-сон билан рўйхатдан ўтган ёзишмаси инобатга олинсин;
2. 4р-154 "Кўкон-Яйпан-Исфара" автомобиль йўлининг 14.550 км да Даштхасан қишлоғи ҳудудида жойлашган 13-умумий ўрта таълим мактаби олдида светофор ўрнатишга рухсат этилсин;
3. "Фарғона йўллардан мунтазам фойдаланиш" УК директори **Б.Рахмонов**га: 4р-154 "Кўкон-Яйпан-Исфара" автомобиль йўлининг 14.550 км да Даштхасан қишлоғи ҳудудида жойлашган 13-умумий ўрта таълим мактаби олдида светофор ўрнатиб бериш вазифаси топширилсин;
4. "Яйпан овози" газетаси таҳририяти (К. Шерматов), Ўзбекистон туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари (Д. Жабборов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин;
5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради;
6. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари **И. Нажмиддинов** зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Қ. Джураев